

Тошкент ш.

2026 йил «___» _____

Кейинги ўринларда «Таҳририят» деб аталадиган «**NORMA DAVRIY NASHRLARI**» МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи директор Акчурин Р.А. бир томондан, ва кейинги ўринларда «Обуначи» деб аталадиган «_____» _____ номидан _____ асосида иш кўрувчи _____ бошқа томондан, биргаликда Тарафлар, алоҳида эса Тараф деб аталувчилар ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Таҳририят 2027 йилда куйидаги даврий нашрларни чиқариш ва Обуначига етказиб беришни таъминлаш мажбуриятини, Обуначи эса ушбу нашрлар қийматини тўлаш мажбуриятини оладилар:

Индекс	Нашрнинг номи	Обуна нархи (тўлов кунига МҲТЭКМда)	Обуна қиймати (сўм)*	Нухаси	Умумий қиймат (сўм)
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилига 52 сон)	2	2 542 000		
165	«Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилига 52 сон)	2	2 542 000		

* 2026 йил 1 сентябргача ҳақиқийдир.

2. Жами тўлашга: _____ (_____) сўм, ҚҚС билан.

3. Таҳририят ўз зиммасига почта бўлимлари ёки бошқа ташкилотлар орқали нашрларни Обуначига мазкур шартноманинг 4-бандида кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил этиш мажбуриятини олади.

4. **ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН МАНЗИЛ** (Обуначи томонидан босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

Почта индекси	<input type="text"/>	Минтақа/ Вилоят	<input type="text"/>	Шаҳар/ туман	<input type="text"/>
<i>(қишлоқ / шаҳарча / хўжалик / кўча, мавзе, даҳа, уй, хонадон)</i>					
Олувчининг Ф.И.Ш.	<input type="text"/>	Тел./факс	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>

5. Таҳририят куйидаги ҳолларда нашрларни етказиб бериш юзасидан ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди: агар Обуначи томонидан етказиб бериш манзили аниқ кўрсатилмаган бўлса; Обуначи Таҳририятга имзоланган ва тўлиқ расмийлаштирилган мазкур шартномани (Таҳририят нухасини) тақдим этмаган бўлса.

6. Обуначи 2026 йил 31 августдан кечиктирмай Таҳририятнинг ҳисобрақамига обуна қийматининг 100%ини ўтказиш ва Таҳририятга тўлиқ расмийлаштирилган мазкур шартномани етказиш мажбуриятини олади.

7. Таҳририят нашрлар чиқариб юборилишига қараб ҳар ой якунлари бўйича Обуначига электрон ҳисобварақ-фактурани тақдим этади.

8. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта хизмати ёки бошқа етказиб берувчи ташкилот билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати ёки бошқа ташкилот томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Таҳририятни хабардор қилиши шарт.

9. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

10. Мазкур шартнома обуна қиймати Обуначи томонидан 2026 йил 31 августдан кечиктирмай 100% тўлангандагина кучга киради ва тарафлар томонидан ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади.

11. Мазкур шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низолар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг кўриб чиқишига топширилади.

12. Тарафлар форс-мажор ҳолатлар: табиий офатлар, давлат органларининг ҳужжатлари қабул қилиниши ва тарафларнинг назоратидан ташқарида бўлган бошқа ҳолатлар оқибатида ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгар бўлмайдилар. Ўз мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолати юзага келган Тараф бошқа Тарафни шартнома шартларини бажара олмаслик ҳолати юзага келганлиги ҳақида форс-мажор ҳолатлар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш кунини мобайнида хабардор қилиши ва мажбуриятлар бажарилишининг янги муддатларини келишиб олиши лозим.

13. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

ТАҲРИРИЯТ:

«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1
Х/р 2020 8000 3008 7382 7001
«KDB BANK UZBEKISTAN» банкида, МФО 00842.
СТИР 305504530, ИФУТ 58130.
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди: 326010039431.
тел. (78) 147-11-72.
E-mail: obuna@norma.uz

ОБУНАЧИ:

Корхона,
ташкilot:

СТИР:

ИФУТ:

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди:

Манзил:

Телефон, факс:

Х/р:

Банк:

Банк коди:

Директор _____ Акчурин Р.А.
(имзо)

Раҳбар _____
(имзо) (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

М.Ў.

**ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИДА ТЕЛЕФОН РАҚАМИНГИЗ
ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАНЗИЛИНИ ТЎЛИҚ КЎРСАТИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ!**

**Қўшимча маълумотларни (78) 147-11-72 телефони ва norma.uz сайтидан олишингиз мумкин.
100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўчаси, 1/1. E-mail: obuna@norma.uz.**